KLINIK LABORATOR DIAGNOSTIKADA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

18 aprel 2023 yil

O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi

www.ssv.uz

Toshkent tibbiyot akademiyasi www.tma.uz

Created with Icecream PDF Editor.
To remove this message purchase the product at www.icecream.com.

CONTENTS MUNDARIJA СОДЕРЖАНИЕ

Абдуллаева М.И., Иноятова Ф.Х., Нарбутаева Д., Ахматова К., Алимов С. Алкоголли ёғли гепатозда биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришларини коррекциялаш	**19**
Абдухалилов Ф.Ш., Умурзакова Р.З. Сурункали буйрак касаллигида лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгариши.....	**20**
Адилова Н.Ш., Шагазатова Б.Х. Состояние эндотелиальной дисфункции после бариатрической операции ……..	**22**
Айбергенова Х.Ш., Умарова З.Ф., Жабборов О.О., Жуманазаров С.Б. Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда камқонликни ҳудудга боғлиқ хусусиятлари	**23**
Айтмуратова У.Б. Клиническое значения хромогранина а в лабораторной диагностике нейроэндокринных опухолей ……	**25**
Алимов Т.Р., Шевченко Л.И. Эффективность применения нового отечественного кровезаменителя антиоксидантного действия в травматологии ……..	**27**
Ассесорова Ю.Ю., Касимова С.А., Бабаджанова Ш.А. Проведение флюоресцентной гибридизации in situ (fish) у больных острым лимфобластным лейкозом ……	**29**
Ассесорова Ю.Ю., Касимова С.А., Бабаджанова Ш.А. Цитогенетические исследования у больных острым лимфобластным лейкозом ……	**31**
Атабаев С.Н. Замонавий тиббиётда клиник лабаратор инновацияларнинг аҳамияти ……	**33**
Ахмедова Н.Ш., Сулаймонова Г.Т., Шадыева Н.Ш. Изучение лабораторных показателей функционального резерва почек при сопутствующем состоянии гипертонии с сахарным диабетом …….	**34**
Бабаджанова Ш.А., Курбанова Г.Ч. Нарушение обмена железа у больных с диффузно-токсическим зобом ……	**36**
Бабаев Х.Н., Омонов Ш.Р. COVID-19 да ошқозон-ичак тракти …….	**38**
Базарова Г.Р., Неъматов А.С. Ажратилган қўзғатувчиларни назорат қилиш тизими	**41**
Батырова Г.А., Таскожина Г.Е., Серикбаева Н.Р., Умарова Г.А. Оценка содержания кальция методом масс-спектрометрии у подростков западного региона Республики Казахстан ……..	**43**
Бобожонова О.Ш., Курбонова З.Ч. Папаниколау усулида тўқ бўялган ядро рангини очартириш	**44**
Бобожонова Ш.Ш., Топилов И.И., Мардонов Ж.Н. Композит қопланган янги тўр шаклидаги имплантатнинг ўткир ва сурункали токсиклигини ўрганиш	**46**
Дилмуродова О. Биокимёвий қон текширувининг диагностик аҳамияти ……	**48**
Дилмуродова О., Дилмуродова М., Шайкулов Ҳ.Ш. Пешобдаги	**50**

Icecream PDF Editor.

8. Kurbonova Z.Ch., Sayfutdinova Z.A., Muhammadiev X.G., Xashimova G.T. Experimental substantiation of the use of hypoxia-inducible factor (HIF-1α) for the development of toxic hepatitis // Инновационное развитие науки и образования. – 2022. – С. 20-23.

9. Kurbonova Z.Ch.; Sayfutdinova Z.A.; Xashimova G.T.; Muhammadiev X.G. Comparative analysis of the effectiveness of using some parameters of endogenous intoxication on the course of experimental toxic hepatitis. Using innovative technologies in improving the efficiency of education: problems and solution. Batumi, Georgia, 2022. P. 114-116.

10. Nuriddinova N.F., Kurbonova Z.Ch., Sayfutdinova Z.A. Surunkali gepatit va virus etiologiyali jigar sirrozida koagulyatsion gemostazning buzilishi (adabiyotlar sharhi) // Nazariy va klinik tibbiyot. – 2022. - №5. – B. 122-125.

11. Tukhtaev, K. R., Tulemetov, S. K., Zokirova, N. B., Tukhtaev, N. K., Tillabaev, M. R., Amirullaev, O. K., ... &Otajonova, A. N. (2013). Prolonged exposure of low doses of fipronil causes oxidative stress in pregnant rats and their offspring. *InternetJournalofToxicology*, *10*(1).

12. Хасанов, Б. Б., Зокирова, Н. Б., &Тухтаев, К. Р. (2021). Влияние токсического гепатита матери на структурно-функциональные взаимоотношения иммунокомпетентных клеток молочной железы лактирующих крыс и тонкой кишки крысят в период молочного вскармливания. *Педиатрия*, *4*, 225-229.

БИОКИМЁВИЙ ҚОН ТЕКШИРУВИНИНГ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

Дилмуродова О.
Тошкент тиббиёт академияси

Биокимёвий қон текшируви - бу ички органларнинг (жигар, буйраклар, ошқозон ости бези, ўт пуфаги ва бошқалар) ишини баҳолаш, метаболизм (липидлар, оқсиллар, углеводлар алмашинуви) ҳақида маълумот олиш, заруратни аниқлаш имконини берувчи лаборатор диагностика усули ҳисобланади. Қон олиш жойи инфекция тушишини олдини олиш учун зарарсизлантирилади ва асосан кубитал венадан ёки бошқа томирлардан қон олиниб, пробиркага қуйилади ва биокимёвий лабораторияга юборилади.

Таҳлил натижаларида қуйидаги биокимёвий кўрсаткичларни ҳар бир касаллик учун алоҳида ўрганиш мумкин. Масалан, бугунги кунда юрак-қон томир касалликлари, метаболизм бузилиши ва бошқа кўплаб касалликлар асосида қон таркибидаги умумий липидлар алмашинувининг бузилиши бош омил саналади. Ҳозирги кунда қон намуналарини биокимёвий текширишда республикамиз клиник-диагностик лабораторияларида бир қатор янги замонавий асбоб-ускуналар, жумладан Mindray BC 240-T русумидаги кўп функцияли клиник-кимёвий анализатордан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу аппаратларда соатига икки юздан ортиқ тест таҳлиллари ўтказиш имкониятига эга. Бу аппаратнинг афзаллик жиҳатлари шундан иборатки, смарт намуна олиш технологияси HbA1c таҳлиллари учун гемолизатни автоматик тайёрлашни таъминлайди. Олдиндан ишлов беришсиз

Created in Master PDF Editor. Icecream PDF Editor. PRO

таҳлилларни бажариш юқори ўтказувчанликни кафолатлайди. Ушбу аппаратнинг техник хусусиятларини афзаллиги реагентларнинг тежамкорлиги, кюветаларнинг сони кўплиги, автоматик бошқарилиши, абсорбцион фотометрия, турбидиметрия, ион селектив, электрод тахлили каби ўлчов принципларининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Семизлик, гормонал бузилишлар, юрак-қон томир тизими касалликларида қон такибини биокимёвий текшириш асосида бир қанча муммоларга ечим топиш мумкин. Биокимёвий қон текшируви бемор ўзини ёмон ҳис қилганда ва ички органларнинг нотўғри ишлашига шубҳа қилганда шифокор буюрадиган мунтазам тадқиқотлардан биридир. Ҳар йили тиббий кўрикдан ўтадиган ёки мажбурий профилактик текширувдан ўтадиган одамлар учун биокимёвий қон тести мажбурийдир.

С-реактив оқсил (СРО) организмдаги ҳозирги яллиғланиш жараёнининг информацион кўрсаткичидир. Бу оқсил жигар томонидан синтезланади ва яллиғланишнинг ўткир босқичининг белгиларидан биридир. Қонда СРО даражаси юқумли касаллик, жароҳатлар бошланганидан кейин ёки операциядан кейинги дастлабки соатларда бир неча соат ичида ошиши мумкин. СРО касалликнинг динамикасидаги ўзгаришларга тезда жавоб беради ва тикланиш билан тезда нормал ҳолатга қайтади.

Аланин аминотрансфераза ва аспартат аминотрансфераза трансаминазалар деб аталади. Аланин аминотрансфераза (АЛТ) жигар учун маркер фермент ҳисобланса, аспартат аминотрансфераза (АСТ) миокард учун маркер фермент ҳисобланади. Шифокор АЛТ ва АСТ нисбатларини кўриб чиқади ва хулосалар чиқаради. Диагностик мақсадлар учун нафақат АСТ ва АЛТ қон параметрларининг ўзгариши, балки уларнинг кўпайиши ёки камайиши, шунингдек, ферментлар сонининг бир-бирига нисбати ҳам муҳимдир.

Хулоса. Қоннинг биокимёвий хоссалари инсон саломатлиги учун муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Қон таркибидаги барча хоссаларни нормада сақлаш учун аввало соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, хавфли касалликлардан сақланиш, мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланиш, бир йилда икки маротаба қон анализларини топшириш зарур. Тиббиёт муассасаларига замонавий клиник-диагностик асбоб-ускуналарни жалб этиш ва улар билан ишловчи мутахассислар сонини ошириш эса янада клиник диагностикани ривожлантиришга сабаб бўлади.

Адабиётлар.

1. Березов Т.Т. Биологическая химия: учебник. – 2012. С. 150-155.
2. Маршал В.Дж. Клиническая биохимия: учебник. – 2014. – С. 55-60.
3. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Laboratoriya ishi: o‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2022. 140 b.
4. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Laboratoriya ishi: elektron o‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2022. 176 b.
5. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova S.A. Sitologik tashxisga kirish: o‘quv qo‘llanma. Toshkent, “Hilol nashr”, 2021. 152 b.

Icecream PDF Editor.

6. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Цитологик ташхисга кириш: ўқув қўлланма. Тошкент, 2022. 137 б.

7. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Цитологик ташхисга кириш: электрон ўқув қўлланма. 2022, 146 б.

8. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Sitologik tashxis asoslari: o‘quv – uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2022. 47 b.

9. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Sitologik diagnostika asoslari: o‘quv – uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2022. 47 b.

10. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Лаборатория иши: ўқув қўлланма. 2023, 150 б.

ПЕШОБДАГИ ОҚСИЛНИ АНИҚЛАШНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

Дилмуродова О.*, Дилмуродова М., Шайкулов Ҳ.Ш.****
***Тошкент тиббиёт академияси, **Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети**

Пешобни текшириш нафақат пешоб ажратиш тизими, балки бошқа касалликларда ҳам амалий аҳамиятга эга. Уни текшириш натижалари касалликнинг кечиши ва ўтказилаётган даволаш чораларининг самарасини баҳолаш имконини беради.

Пешобни клиник текшириш уч қисмдан иборат: физик хоссаларини аниқлаш, кимёвий таҳлил ва пешоб чўкмасини микроскопда текшириш. Куннинг турли вақтида пешоб ҳар хил таркибга эга бўлиб, бу ўз навбатида истеъмол қилинган овқат, унинг таркиби, ичилган суюқлик миқдори, жисмоний иш ва ҳаво ҳароратига боғлиқ. Оддий клиник таҳлил учун тоза идишга эрталабки пешобнинг ўрта порцияси олинади. Текшириш учун бемор аввал ташқи жинсий аъзоларини тозалаб ювади. Аёлларда ҳайз келиш даврида пешобда қон аралашишини олдини олиш мақсадида текширишни амалга оширмаслик тавсия этилади. Пешоб тутилиши ҳамда пиурия ҳолатида катетер ёрдамида олинади.

Текширишдан аввал пешоб бузилишининг олдини олиш мақсадида уни совуқда сақлаш лозим. Айрим ҳолларда шу мақсадда пешобка консервантлар (толуол, хлороформ, тимол) қўшилади.

Меъёрий пешобда деярли оқсил сақламайди. Пешобга тушувчи плазма оқсилларининг (кунига 150 мг гача) кўп бўлмаган миқдорини амалий тиббиётда қўлланувчи синамалар ёрдамида аниқлаш имкони йўқ. Оқсил пешоб билан ажралиши протеинурия деб аталади. Протеинурия буйрак ва буйракдан ташқари ўзгаришларга боғлиқ бўлиши мумкин. Органик буйрак протеинурияси гломеруляр ўтказувчанликни ошишига олиб келувчи буйраклар зарарланиши оқибатида келиб чиқиб, унинг асосида яллиғланиш хусусиятига эга бўлган томирлардаги ўзгаришлар ёки базал мембрана таркибидаги дезорганизация ётади. Гломеруляр ўтказувчанликнинг бузилиши “молекуляр ғалвир” типи бўйича кечиб биринчи навбатда, паст

Created in Master PDF Editor. Icecream PDF Editor PRO